



«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



1995 йил 10 июндан тизмачи болган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



5 МИНГ ФУҚАРО ИМЗО ЧЕККАН ХАТ

СУҲЛИК ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЙВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАБ,
ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЎЗ ХАЁТЛАРИДА АКС ЭТАЪТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

ЕҚҲТ МИССИЯСИ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

АСЛ ҚўВВАТ ИЛДИЗЛАРДА

НЕГА БИЗ ТУРЛАРИНИНГ ЎЗ ТАРИХИГА БЎЛГАН
МУНОСАБАТИДАН УРГАНМАСЛИГИМИЗ КЕРАК?

ҚАРОР МУҲОКАМА ҚИЛИНМАСИН

ПРЕЗИДЕНТ 2,5 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ХОНАДОН ЭГАЛАРИНИ ҚИЙНАЁТГАН ОҒРИҚЛИ МАСАЛА ЕЧИМИНИ КўРСАТИБ БЕРДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришга доир видеоселектор йиғилиши яна бир бор ушбу масаланинг долзарб эканини кўрсатди. Кейинги йилларда ушбу масалага дунё миқёсида ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Айрим минтақаларда юз бераётган нотинчликлар шундоқ ҳам танқис бўлиб бораётган озиқ-овқат муаммосини янада кучайтирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳозир дунёда деярли ҳар тўққиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти. Сайёра аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўйиб овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва

витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Бу эса 160 миллиондан ортиқ боланинг нормал ўсмаслиги, жисмоний ва интеллектуал ривожланмай қолишига сабаб бўлмоқда. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда етакчи бўлган айрим давлатлар эса ўз хавфсизлигидан келиб чиқиб, экспортга чекловлар киритмоқда ва бу транспорт-логистикадаги узилишларга олиб келяпти. Натижада кўплаб маҳсулотлар нархи ошиб кетяпти. Таҳлилларга кўра, жорий йил дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камидан 20 фоизга ўсади. Шу боис, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш барча давлатлар учун стратегик мақсадга айланяпти.

Давоми 4-бетда

Турли гоъвий ва ахборий хуружлар кучайиб бораётган бир шароитда миллатнинг ўзини ўзи асраш инстинктини кучайтириш лозим.



МАЪНАВИЯТ — МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ ҚўРҒОНИ

Миллий туйғу, миллатга мансублик ҳисси инсоннинг ҳаётда омонат, сунъий урчитилган жонзот эмас, у буюк тарихнинг бой ўтмишининг ва улуг аждодлар ворис эканини билдиради.

зиёлилар орасида жуда катта обрў эътиборга эга академик Оқил Салимовнинг "Маънавият — миллат халоскори" номи таҳлилий мақоласи эълон қилинди. Унда кўтарилган мавзунинг ниҳоятда долзарб эканлигини инobatга олиб, бироз қисқартирган ҳолда мақолани ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилишга қарор қилдик.

Давоми 3-бетда

4 МУҲОКАМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Таълимнинг бош бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимига оид нормаларнинг Конституцияга киритилиши таълимни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

5 ВЬЕТНАМДА ЎЗБЕК ПЕДАГОГИ «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ»ГА АЙЛАНДИ

100 миллионга яқин аҳолиси бўлган мамлакатда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми қарийб 3 минг АҚШ долларидан тўғри келаётганини инobatга олсак, ушбу мамлакатда бир ўзбек йигитининг «Йил ўқитувчиси»га айлангани катта воқеа экани аён бўлади.



7 ҚУЁШ ҚАСД ОЛЯПТИМИ?

Кейинги кунларда Испания ва Португалияда мингдан ортиқ одам жазирама қурбонига айланган. Ҳавонинг юқори ҳарорати сабаб Португалияда 659, Испанияда эса 368 нафар киши вафот этган.

Кейинги пайтларда маънавият ҳақида, маънавиятнинг ижтимоий, маданий ва маърифий ҳаётимиздаги ўрни, унинг тарбия ва таълим жараёнларидаги роли ҳақида кўп гапирилиб, матбуотимизда турлича талқинларни ўз ичига олган кўплаб мақолалар эълон қилинмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кейинги йилларда айрим кимсалар жамиятдаги, айниқса, хулқ-атвордаги нуқсонларни айнан маънавият билан боғлаб, ушбу тушунчадан салбий ижтимоий ҳодиса ясашга уринмоқдалар.

Шу йўл билан маънавиятнинг инсониятнинг жамики эзгу ғоялари, бой маданий ва миллий мероси, миллат сифатида шахснинг ким эканини кўрсатувчи фазилатлари билан боғлиқ тушунча эканини инкор этмоқчи бўлишяпти.

Яқинда "Янги Ўзбекистон" газетасида таниқли олим,

СИРДАРЁДА ИШОНЧ ҚОЗОНИШ МАВСУМИЙ ТАДБИР ЭМАС!

ЯШНОБОДДАН ЧИҚҚАН «НАПОЛЕОН» ЧИЛАР КИМ?



Турма — югур,
Тинма — тириш,
Букилма — юксал,
Ҳуркма — кураш,
Қўрқма — ёпиш,
Ёрилма — қўзғал.

Абдурауф Фитрат

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммитида иштирок этади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг тақлифига биноан 21 июль куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига ташриф буюради.

Қирғизистон раислигида ўтадиган саммит ишида Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон президенти ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Минтақа мамлакатлари етакчиларининг учрашуви кун тартибидан турли йўналишларда, шу жумладан савдо, транспорт ва логистика, санoат кооперацияси, инновациялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризм, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Алоҳида эътибор Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва изчил тараққиётига замонавий таҳдид ва хатарларга биргаликда қарши туриш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга

қаратилади. Саммит якунида бир қатор муҳим кўп томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган. Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ни ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Минтақа етакчиларининг биринчи саммити 2018 йил март ойида Нурсултон шаҳрида, иккинчиси 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида, учинчиси ўтган йилнинг август ойида Туркменистондаги "Аваз" миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтди.

ЎЗА





Ахмаджон ҒАНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

5 минг фуқаро 500 миңга чеккан ЖАТ

Сўхлик фуқаролар конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлаб, янгиланиш ва ўзгаришлар ўз ҳаётларида акс этаётганини таъкидламоқдалар

Бугунги шиддаткор ва айти пайтда таҳликали даврда тинчлик ва барқарорликни асраш нафақат давлатнинг, балки фуқароларнинг ҳам муқаддас бурчига айланиб қолди. Кейинги йилларда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонимизда инсон қадрининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга миллатлараро тотувлик, биродарлик ва ягона Ватан учун қайғуриш ҳисси асос бўлмоқда, десак хато бўлмайдми.

Маълумки, юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири саналган Сўх узоқ йиллар давомида оғир ҳаётини муаммолар қобиғида яшади. Туман Қирғизистон билан чегарадош – «анклав» ҳудуд бўлгани учун эса барча ҳаракатлар қўшни давлат чегараси орқали амалга оширилган, бу аксарият ҳолларда ҳар иккала томоннинг эътирозларига сабаб бўларди. Гарчи бундай масалалар хусусида ОАВ орқали ўнлаб чиқишлар қилинган, маҳаллий мутасаддилар аҳоли эътирозини халқ сайлаган вакиллар ёки тўғридан тўғри раҳбарларга етказсада, муаммолар муҳокама алоҳида кабинетларда ёки расмий ҳужжатлардагина акс этади, холос.

Энг ёмони, гарчи ушбу масалалар сир бўлмаса-да, юрак ютиб, уларни ҳал этишга ҳеч қим ботинмас, муаммо янада чуқурлашмаслиги учун сукут сақлаш тўғри йўл дея қабул қилинарди.

Фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий ирода-си туфайлигина икки қардош давлат ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланди. Энг муҳими, оғани, қанда-анда бўлиб яшаган қардошларни беғоналарга айлантган чегара муаммоси батамом ҳал этилди. Зотан, 30 йилдан буён Сўхликлар фақат битта чегара постидан ўтишар, узундан-узун навбатлар уларнинг нормал ҳаёт кечиришларига йўл бермасди. Икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланиши натижасида Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Боткен вилояти ўртасида «Риштон» («Қайтпас»), «Тул» («Этиқчи») чегара постлари фаолияти тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган Сўх – Риштон йўли очилди. Натижада сўхликлар вилоят марказига бориш учун аввалгидек 80 километр эмас, 20 километр йўл юрадиган бўлишди.

Эътиборли томони шундаки, ана шу жараёнда «Навобод»

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янги аэропорт ҳам қурилди. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, ҳафтанинг муайян кунларида самолётлар қатнови амалга оширила бошланди. Айти пайтда умумий майдони 7 гектар, узунлиги 700 метрни ташкил этадиган учинчи кўналғасида «ҳаво кемалари» эркин парвоз қилишяпти. Бу ўз навбатида Фарғона шаҳридан Сўх туманига келувчи сайёҳлар оқими кўпайишига ҳам хизмат қила бошлади. Шу ўринда янги аэропортга ёндош майдонлар лавандазорга айлантирилаётганини айтиш жоиз.

Хушманзара табиати билан ном қозонган Сўх туманида янги йиллар ҳам қад ростлаётди, йўллар равон бўлиб, сув, газ, электр таъминоти яхшиланяпти. Замоновий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, тадбиркорлик, хунармандчилик анъаналарини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар, айтиш мумкинки, сўхликлар ҳаётини ўзгартирмоқда. Таҳлилчиларнинг айтишича, кейинги йилларда туман иқтисодиёти икки баробарга ўсган, кичик бизнес субъектлари сони эса 5 ҳиссага кўпайган. Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 90 фоизга етган. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишлари ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини берапти.

Шу ўринда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами «Темир дастур», «Аёллар дастури» ва «Ёшлар дастури»га киритилиб, уларга манзилли ёрдамлар уюштирилаётганини таъкидлаш жоиз. Уй-жойга

эҳтиёжи бўлган аҳоли учун эса 2017-2021 йиллар давомида 89 та намунавий лойиҳалар асосида янги ҳовли жойлар барпо этилди. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 56 та лойиҳа ҳисобига янги иш ўринлари яратилди. Умумий

реструкция қилиниб, аҳоли учун 274 км ичимлик суви тармоқлари тортилади.

Кўкка буй чўзган улкан тоғлар, гўзал манзара касб этган Сўх маданий, меъморий ёдгорликлари билан ҳам эътибор тортишини таъкидлаш

ҳам қўшимча квоталар ажратилди. Айтиш мумкинки, энди сўхлик ёшлар ана шу имтиёزلардан фойдаланиб, ўзлари истаган касбларни эгаллашлари мумкин бўлади.

Сўхликлар жонажон юртимизда қизгин давом этаётган конституциявий ислохотлар жараёнида ҳам ўз таклифлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясига 5 миң нафар сўхлик фуқаролар йўллаган мурожаатномадан ҳам куриш мумкин. Унда маҳаллий аҳоли вакиллари Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан мамнун эканликлари ҳамда қисқа вақт ичида йиллар давомида ҳал этилмаётган муаммоларга барҳам берилгани алоҳида таъкидланган. Айтишча, Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир Президент Қарорининг қабул қилиниши натижасида 50 дан ортиқ саноат корхоналарининг ишга туширилиши натижасида ўнлаб ҳудудлардан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имкони яратилгани жуда катта ўзгариш сифатида баҳоланган. Бугун сўхликлар чегара хатлаб гоҳ тўғри, гоҳ ўғри йўллар билан озиқ-овқат ва уй-рўзгор маҳсулотларини ташимай қўйдилар.

Камбағалликни қисқартириш лойиҳаси доирасида боши берк кўчага кириб қолган миңглаб оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, Сўхда инсоният учун энг олий неъмат бўлган «Инсон қадрини» амалда улуғланяпти. Шу боис ҳам 5 миң нафар сўхлик имзоси остидаги мурожаатда давлатимиз раҳбарига алоҳида миннатдорлик билдирилиб, сўхликларнинг Конституциявий ислохотларга бефарқ эмасликлари ва бу ўзгаришларнинг тарафдори эканликлари билдирилган.

СЎХЛИКЛАР ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗДА ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ҲАМ ЎЗ ТАКЛИФЛАРИ БИЛАН ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР.

майдони 8,1 гектар бўлган 5 та кичик саноат зонаси ташкил қилиниб, қиймати 11 млрд. сўмга тенг бўлган 50 та лойиҳа жорий этилди. Натижада юздан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этила бошланди.

2021 йилдан бошлаб эса «Қишлоқ шифокори» дастури орқали олис ва чекка ҳудудларда тиббиёт сифатини янги босқичга кўтариш имконияти пайдо бўляпти. Утган йили давлатимиз раҳбарининг вилоят сайловчилари билан учрашуви чоғида мафтунокор табиати ва мусаффо ҳавоси билан танилган Сўхда нурунийлар учун сиҳаттоҳ барпо этиш юзасидан амалий ёрдам сўралган эди. Шу асосда Тоғ қишлоғида фахрийлар учун 100 ўринли дам олиш маскани қурила бошланди.

Қайд этиш жоизки, жорий йилда тумани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида 39 та инвестиция лойиҳаси доирасида 3 миллион 400 миң АҚШ долларидек тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилмоқда. Ичимлик суви таъминоти 100 фоизга етказилиб, бунинг учун 30 та сув иншооти қурилади ва

жоиз. «Ҳазрат Али», «Султон Ғазнавий» зиёратгоҳи, «Сулунғур ғори», «Хужайли Мурод» бешиги сингари маданий ёдгорликлар шулар жумласидандир. Албатта, тарих қатига яширинган сир-синаотли осори атиқаларни илмий тадқиқ этиш, тарғибот ишларини курайтириш, сайёҳлар учун зарур бўлган инфратузилма тармоқларини ривожлантиришнинг асосий омилларидир. Шу мақсадда туманда 20 дан ортиқ уй меҳмонхоналари ҳам қурилди.

Туманда саноат тармоқларининг ривожланиши ҳисобига экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам кўпаймоқда. Ер ости табиий бойликларини ўзлаштириш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачиликни ривожлантириш, интенсив боғлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, шубҳасиз, кўхна Сўхга янги ҳаёт нафасини олиб кирмоқда, десак муболаға бўлмайдми.

Кувонарлиси, ана шунда дий янгиланишлар асосида сўхлик ёшларнинг олий ўқув юртларига киришлари учун

✓ Ҳамкорлик

ЕХХТ МИССИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича республика референдуми ўтказилиши муносабати билан шу кунларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси делегацияси мамлакатимизда бўлиб турибди.

Миссия ташрифидан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистондаги референдум олди вазияти ва ушбу сиёсий тадбирга тайёргарлик қўриш жараёнини баҳолашдан иборат. Делегация вакиллари билан Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган учрашувда ДИИХБ овоз беришнинг янги технологиялари бўйича катта маслаҳатчиси Владимир Мисев Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак республика референдумига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш юзасидан ЕХХТ ДИИХБ баҳолаш миссиясининг ўз вақтида таклиф қилингани халқаро сайлов стандарти талабига тўлиқ мос келишини қайд этди. ЕХХТ ДИИХБ методоло

гиясига кўра, Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси одатда муайян сайлов ёки референдум бошланишидан бир неча ой олдин ЕХХТга аъзо давлатдаги сайлов олди ёки референдум олди вазиятини, шу жумладан, тадбирларга тайёргарликни баҳолаш учун юборилади.

Бўлажак республика референдумини кузатиш бўйича зарур тадбирларнинг тури, шакли, муддати ва кўлами бўйича эҳтиёжларни баҳолаш миссияси иши натижасида тақдим этилган тавсиялар асосида ЕХХТ ДИИХБ референдумни кузатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев республика референдумига тайёргарлик қўриш ва тадбирни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Сўхбат чоғида Конституциявий ислохот қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохот мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 20 июнь куни Конституциявий ислохот қилиш бўйича Конституциявий комиссия аъзолари би

лан бўлиб ўтган йиғилишда конституциявий ислохотнинг тўрт устувор йўналишига тўхталиб, ҳар бири бўйича ўз фикрини билдирди, – деди



2022 йил 16 июндаги «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН БИЛАН БИР ҚАТОР ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ СЎНГИ ЯНГИЛИКДИР.

З.Низомхўжаев. – Давлатимиз раҳбари Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиш ва референдум йўли билан қабул қилишни ҳам таклиф этди.

Шу кунларда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси халқимизнинг фаол иштирокчи қизгин муҳокама қилинмоқда. Айтиш жараён 1 августга қадар давом этади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда барча жабҳаларда, жумладан, сайлов тизимида ҳам юксак демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга жавоб берадиган

ислохотлар амалга оширилаётгани эътироф этилди.

Хусусан, 2022 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани сайлов қонунчилигидаги сўнги янгиликдир.

Таъкидлаш жоиз, Сайлов кодексига 2019 йилги парламент сайлови яқини бўйича ЕХХТ ДИИХБ тавсиялари асосида киритилган қатор муҳим қоидалар ўз аксини топган. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонуннинг айрим нормалари Сайлов кодекси ва бошқа ҳужжатларга мувофиқлаштирилган.

Қайд этилганидек, бугунги кунда бўлажак референдумга тайёргарлик қўришдаги устувор вазифалардан яна

бири МСҚ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштиришдан иборат. Комиссия мажлисларида референдумга тааллуқли бир қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар – Референдум ўтказувчи округ ва округ комиссиялари тўғрисида, референдум ўтказувчи участка ва участка комиссиялари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этувчи хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари тўғрисидаги нормалар қабул қилинди.

Учрашувда референдум ўтказувчи округ ва участкалар, референдум комиссиялари ишини тўғри ташкил этиш бўлажак референдумнинг сифати ва савиясига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар экани алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан Референдум комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияга кўра, қисқа муддатда миллий қонунчилик ва референдум амалиётини такомиллаштириш, халқаро стандарт бўйича комиссия аъзоларига номзодлар билим ва кўникмасини ошириш, уларни референдумга оид қонун

ҳужжатларидаги янгиликлардан хабардор қилиш зарур.

Марказий сайлов комиссияси фаолияти ва сайлов жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни такомиллаштириш референдумга тайёргарлик қўришнинг яна бир устувор йўналиши сифатида қайд этилди.

Шундан келиб чиқиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ички ишлар вазирликлари, Давлат персоналлаштириш маркази, Кадастр агентлиги билан ҳамкорликда сайлов жараёни ахборот тизимини, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЕХХТ ДИИХБ Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаб, бўлажак республика референдуми умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида юқори савияда ўтказилишига ишонч билдирди.

Саидмурод РАҲИМОВ, УЗА мухбири



fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi

www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

4 | Қарор муҳокама қилинмасин

5 | Сирдарёда ишонч қозониш мавсумий тадбир эмас!

6 | Яшнободлик «наполеон»чилар ким?



МАЪНАВИЯТ - МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ КЎРҒОНИ

(Бошланғичи 1-бетда)

Домланинг ёзишича, маънавий баркамоллик маърифатлиқдан бошланади. Маърифатли жамият ҳар қандай ислохотларга қодир бўлади. Ана шу ҳаётий ақидадан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг муҳим методологик аҳамиятга эга қуйидаги фикрларини эсга олиш ўринлидир: «Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустақкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда ажодларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз. Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустақкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина ана шундай заминга таянган ҳолда биз юртимизда учинчи ренессанс асосларини барпо эта оламиз».

Мақолада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг бир фикрларига алоҳида эътибор қаратилади: одамнинг пайдо бўлиши, унинг генетик асослари, соғлом ва баркамол вужуднинг шаклланиш омиллари хусусида гапирар экан, улуг ажодларимиз таълимотида мавжуд бўлган тўрт унсурга алоҳида эътибор берган эди: ҳаво, тупроқ, сув ва қуёш инсон камолотининг асоси. Йилнинг тўрт фасли мукамаллиги, табиий муҳит, географик шароит инсон танаси ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Фаслларнинг ўз вақтида ва тўла ҳолда келиши эса одам руҳияти, кайфияти, қалб кечинмаларининг тўлақонли шаклланишига имкон беради.

Абу Райҳон Бериуний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида халқларнинг, миллатларнинг пайдо бўлиши асослари ҳақида гапирар экан, табиий муҳит, географик шароит, ҳаво ва қуёшнинг қай даражадалиги одамлар ва миллатлар шаклланишига асос бўлган, дейди. Жамоа бўлиб яшаш шариати ва табиий муҳит таъсирида шаклланиган.

Ўзбек халқи, ана шу талаблардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ер шарининг энг баркамол масканида дунёга келган ва шаклланиган. Одамлар руҳияти покизалиги, фикрати тиниқлиги, онгу шуури гузаллиги айна шу табиий муҳит билан уйғунлашиб кетган ҳодиса, дейиш мумкин. Буни илк ажодларимиз қарашларида ҳам яққол кўрамиз. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган ибтидоий ҳаёт шароитида дастлабки ажодларимиз ўз мақсадлари, интилишлари, орзулари ва армонларини оғзаки ифода этганлар. «Алломиш», «Гурўгли», «Кунтуғмиш» сингари ўнлаб дostonларда эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, умид ва умидсизлик зиддиятлари, ҳасад, кўролмаслик сингари иллатлар ва қатор фазилатлар эҳтирос билан ифода этилган. Дostonларнинг барчасида кучли қалб оғриқлари, изтироблари дра-

матик тарзда баён қилинган. Уларнинг охирида эса эзгулик, яхшилик, муҳаббат ғалаба қилади. Худди шундай ҳолат эртақларда ҳам бор. Ҳар бир эртақ эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги ашаддий тўқнашувлар оқидамида давом этади ва уларнинг барчаси бир хил: яъни, яхшилик билан тугайди. «Улар мурод-мақсадларига етишди», деган гап барча эртақларнинг якуни ҳисобланади. Ана шунинг ўзи илк ажодларимизнинг ҳаёлотини қай даражада гузал, фикрати теран, орзулари рангин, ниятлари покиза бўлганини кўрсатади. Бу руҳий поклик ўзбек халқининг кўп минг йиллик тараққиётида асос бўлиб келмоқда.

Иккита буюк цивилизация ҳодисасини кўрган мўътабар, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина ана шундай заминга таянган ҳолда биз юртимизда учинчи ренессанс асосларини барпо эта оламиз».

Биз айна пайтда ахборот хуружи даврида яшаймиз. Ер шари ахборот тўри ичида балиқдай типирчлалапти. Бир-бирига зид, бир-бирини инкор қиладиган, миллий маданиятларни, қадриятларни поймол қиладиган турли ахборотлар кўпаймоқда. Маълумот олиш, тўплаш, саралаш ва тарқатиш имкониятлари ақлга сиғмайдиган даражада кенгайиб кетди. Кичкинагина мобил телефоннинг битта мурватини босиш билан Ер шарининг хоҳлаган нуқтасига ахборот юбориш мумкин. Ана шундай тезкор ахборот алмашини жараёнида ахборотларни танлаш ва саралаш кудратига эга бўлган кучли миллий менталитет, миллий тафаккур, миллий руҳият, маънавий ирода зарурлигига эҳтиёж сезамиз.

Замонавий цивилизация шароитида қирғинбарот урушлар, оммавий қирғин қуроли ибтидоий ҳодисага айланди. Миллатларни йиқ қилиш ёки уларни забт этишнинг беозор ва самарали воситаси юзага келди. «Юмшоқ куч» (Soft Power) деб аталадиган бу жараён миллатлар онгига ва қалбига таъсир этиш йўли билан уни ўзлигидан айирини, миллий қадриятлардан узоқлаштириш, ўтмиши ва ажодларини танимайдиган манкуртга айлантириш тенденциясини кучайтириб юбормоқда. Шундай ғоят хавфли, мафкуравий, ғоят бўҳронли жараёнда миллатнинг ўзини ўзи асраш инстинктини, ички даъватини, қалб ҳайкиригини кучайтироғимиз лозим. Бунинг учун фақат маънавият ва маданиятга эътиборни кучайтириш, уни тарғиб қилишнинг самарали воситалари, усуллари ва услубларини, замонавий ва таъсирчан технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳар бир инсонда миллатга мансублик, ўтмишга дахлдорлик, истиқболга умид ва катта ишонч билан интилиш туйғуси бор. Фақат

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШINI ЎЗГАРТИРИШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН УЗОҚЛАШТИРИШ, МИЛЛАТГА МАНСУБЛИК ҲИССИЯТИНИ ЎЛДИРИШ ОСОН.

бу ноёб туйғу ҳар кимда ҳар хил. Бировда кўпроқ, бошқасида камроқ. Хусусан, замонавий шароитда ёшлар дунёқарашини ўзгартириш, миллий қадриятлардан узоқлаштириш, миллатга мансублик ҳиссиётини ўлдириш осон. Чунки улар ҳали катта ҳаётий тажрибага ва аниқ позицияга эга эмас. Биологик, физиологик ва интеллектуал жиҳатдан қараганда ёшига муносиб равишда улларда ақлдан кўра ҳиссиёт кучлилик қилади. Бундай пайтда уларни йўлдан уриш, хоҳлаган кўйга солиш, онгига исталган ғояни сингдириш осон кечади. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий кўпчилигини ёшлар ва болалар ташкил этган бир пайтда бу масалага жиддий қарашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Буюк немис файласуфи Освальд Шпенглер «Қаерда маданият йўқолса, ўша ерда зоология кучаяди», деган эди. Дарҳақиқат, инсон бошқа жонотлардан ҳис-туйғуси, ақлий имкониятлари билан фарқ қилади. Ана шу иккита катта омил унинг инсон ва шахс бўлиб етишишига хизмат қилади. У маданиятдан узоқлашгани сайин вужудидаги ижобий фазилатлар камайиб, иллатлар миқдори кўпайиб, ҳайвоний инстинктлар кучайиб боради. Натижада инсон одам қиёфасидаги бошқа жонот, йиртқич ва ёввойи махлуққа айланади.

Инсоннинг ягона ва бирдан-бир халоскори – маънавият! Уни олий қадриятга айлантирадиган куч маданият ва маърифат. Юксакларга кўтарадиган, қадру қимматини оширадиган, олам меҳварига олиб чиқадиган бекиёс Кудрат! Миллий туйғу, миллатга мансублик ҳисси инсоннинг ҳаётда омонат, сунъий урчитилган жонот эмас, у буюк тарихнинг, бой ўтмишнинг ва улуг ажодлар вори эканини билдиради.

Агар унинг қадриятлари топталмаса, агар урф-одатлар, анъаналар қадрланса, агар одамлар ўтмишига катта ҳурмат, ажодларига эътиборли бўлса, улар қолдирган ҳаётий ва маданий қадриятларни хурмат

қилса, миллат ўлмайди!

Янги Ўзбекистонда миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг барқарор ривож учун кенг имкониятлар яратилган. Миллат қиёфасини, миллий кечинмаларини ўзида ифода этган турмуш тарзи тобора чуқурлашмоқда. Бунга давлатнинг ўзи ҳоимлик қилмоқда.

Дунё қалқиб турган бир пайтда, турли ғоявий ва ахборий хуружлар кучайиб бораётган бир шароитда миллатнинг ўзини ўзи асраш инстинктини кучайтириш лозим. Бу бевосита маънавият ва маърифат билан боғлиқ. Ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган, ўзини ўзи асрай биладиган одамда маърифат кучли бўлади. У ҳар қандай шароитда юксак маданиятини намоён қила билади. Агар ҳар бир одам ана шундай имкониятга эга бўлса, ялли жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамоллашади. Кучли, кудратли ўзбек жамияти юзага келади. Бу эса миллатнинг истиқболдаги равнақини, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини, умумсаёра миқёсида баркамол миллий қиёфасини намоён қилиш имконини беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ҳар бир мактаб ўқувчиси битта миллий мусиқа асбобини чалишни билиши керак», деганида жуда катта ижтимоий муаммони, миллат қиёфаси ва унинг миллий қадриятлари билан боғлиқ масалани ифода-лаб берган эди. Айна мусиқа орқали қалб қиёфасини баркамоллаштириш, ёшлар ҳаёлотини гузаллаштириш, фикратини ёркиллаштириш, мақсад ва интилишларини эзгулик сари буриш мумкин. Бу Ўзбекистондек ёшлар мамлакатаида жуда муҳим миллий ва ижтимоий моҳиятга эга.

Болага эътибор – миллат истиқболига эътибор. Миллат генофондини соғломлаштиришнинг энг тўғри ва самарали усули. Соғлом бола дунёга келиши бутун миллат жисмоний ва интеллектуал баркамоллигининг муҳим омилли. Бу борада мамлакатимизда кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда.

Атоқли адиб, жаҳон маданиятининг йирик намоёнчаси Чингиз Айтматов хулосаларида кўра, она қорнидаги ҳали одам шаклига кирмаган икки ҳафталик эмбрион ташки муҳитни ҳис қилар, унинг таъсирида ўсиб, характери шаклланар экан. Мана дунёни асрайдиган, оламни безайдиган, инсонни баркамоллаштирадиган манба қаерда?! Давлатимиз, хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий сиёсатида айна шу масала энг муҳим ва долзарб вазифага айлантирилган. Соғлом она ва соғлом бола ғояси миллатни асрашнинг энг самарали воситаси бўлиб қолди. Тинч ва фаровон оила, соғлом турмуш тарзи, одамлар ўртасидаги меҳр ва муҳаббат туғилажак боланинг, миллат келажагининг таянчи!

Ўзоқ йиллар мобайнида миллий қадриятларга беписандлик билан қараш ва тоталитар режимнинг турли ғайриинсоний

қарашлари оқибатида ўзбек генофонди геноцидга айлана бошлаган эди. Бугун Янги Ўзбекистонда ушбу масалага катта эътибор берилмоқда. Ҳар томонлама соғлом, интеллектуал жиҳатдан бақувват, ижодкорлик, бунёдкорлик имкониятлари кенг баркамол миллатни вужудга келтириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса ҳаммамиз учун ғоят шарофли, дилларни қувнатадиган, кўзларни яшнатадиган, буюк келажаққа қатъий ишонч билан қарашга даъват этадиган ҳодиса.

Президентимиз шу йил 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бажариладиган вазифаларни аниқ кўрсатиб берди. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги 7 та устувор йўналиш доирасидаги «Инсон қадри учун» йўналишида 100 та мақсад белгиланди. Уларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати

га, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда ажодларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз. Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустақкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина ана шундай заминга таянган ҳолда, биз юртимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо эта оламиз».

Кўриниб турибдики, ҳаётимизнинг барча соҳалари қаби маънавий-маърифий тараққиёт борасидаги вазифалар ижроси ҳам бош мақсадимиз – Учинчи Ренессанс асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатлар мазмуни ва сифати айнан маънавий-маърифий ишларни қандай олиб боришимизга боғлиқ.

Бу муҳим йўналишда улкан амалий ишлар бошланганига барчамиз гувоҳимиз. Президентимизнинг 2022 йил 28

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги 7 та устувор йўналиш доирасидаги «Инсон қадри учун» йўналишида 100 та мақсад белгиланди. Уларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилган.

55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилган.

Тараққиёт стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш масалаларига доир концептуал режалар тузилган. Таъкидлаш керакки, стратегия математик аниқликда ишлаб чиқилган. Ҳар бир чора-тадбир учун масъул шахс ва бажариладиган муддат аниқ белгиланган. Уларни бажаришнинг молиявий-ташкилий асослари ишлаб чиқилган. Бундай реал воқелик билан боғланган, конкрет масалаларга тўғри ва очиқ ёндашилган расмий ҳужжат биринчи марта яратилди. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошқарув фаолиятидаги ўта аниқлиқни кўрсатади.

Маънавий баркамоллик маърифатлиқдан бошланади. Маърифатли жамият ҳар қандай ислохотларга қодир бўлади. Ана шу ҳаётий ақидадан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг муҳим методологик аҳамиятга эга қуйидаги фикрларини эсга олиш ўринлидир: «Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустақкам устун-

январдаги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, юртимизда маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда белгиланган 8 та мақсад ва 30 та топширқич амалга ошириб, маънавий-маърифий ишларнинг маъно-мазмуни ва сифати тубдан яхшиланмоқда.

Президентимиз «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида бу қадриятларнинг инсон, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига атрофлича тўхталиб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб ўтгани, албатта, бежиз эмас: «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир. Шу сабабли ҳаммамиз учун илгор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак».



Кадастр ҳужжатлари бўлмаган 2 миллион 600 минг хонадон айнан шу масалادا жигдий қийинчиликларни бошдан кечиряпти

МУНОСАБАТ



(Бошланиши 1-бетда)

Аҳоли даромадининг 40-50 фоизи озиқ-овқатга сарфланадиган мамлакатимизда ҳам ушбу масалала давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳсулот етиштириши кўпайтириш, аввало бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш, органини экспортга йўналтириш чоралари қатъий назорат қилинапти.

Маълумки, йил бошида пахта ва галла майдонларининг 80 минг гектари қисқартирилиб, аҳолига ажратилиб берилди. Одамларга уруғ, кўчат ва ўғит масаласида ёрдам бериш учун «Томорқа хизмати» йўлга қўйилиб, жорий йилдагина аҳолига маҳсулот етиштириш учун 400 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

ҚАРОР МУҲОКАМА ҚИЛИНМАСИН

ПРЕЗИДЕНТ 2,5 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ХОНАДОН ЭГАЛАРИНИ ҚИЙНАЁТГАН ОҒРИҚЛИ МАСАЛА ЕЧИМИНИ КўРСАТИБ БЕРДИ

Ўзбекистонда шу йилнинг ўзида экин майдонлари қисқартирилиши ҳисобига аҳолига ажратилган ерларда 785 минг кишининг бандлиги таъминланди. Шу боис, йиғилишда йил якунигача яна 20 минг гектар, келгуси йилда 100 минг гектар экин майдонини аҳолига ажратиш бериш белгиланди. Бу орқали кўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш учун шароит яратилади, албатта.

Қаратилиб, сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларда катта қудуқ қазिश харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдорини 150 миллион сўмгача ошириш белгиланди. Шунингдек, қудуқ қазिश учун гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул бериладиган бўлди.

нинг ҳужжати йўқлиги боис, томорқаси учун на кредит, на субсидия олар ва на уйини кенгайтириш мақсадида ипотекадан фойдаланарди. Камига кадастри бўлмагани учун 3 қарра миқдорда ер солиғи ҳам тўлаётган эди.

чегарасини ошириш, ипотека кредитини ажратишда аҳоли даромадлари бўйича тижорат банкларига қўйилмаган талабларни энгиллаштириш бўйича қарор лойиҳаси киритилмаган бўлди.

Оғриқли нуқта

«СУЮНЧИ»ЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ҲАЛОЛЛИҚДА БЕНАЗИР БЎЛИШДИР!

Мутахассисларнинг қайд этишича, аёлларда коррупцияга мойиллик эркакларга нисбатан анча паст бўлади. Чунки аёл аввало она, у фарзандлари келажаги, оиласи тинчлигини ўйлайди. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун жамиятда аёллар мунтазам равишда барча соҳаларда коррупция билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Бундай вазиятлардан чиқиш учун эса хотин-қизларнинг мазкур йўналишдаги билимларини янада ошириш талаб этилади.



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан БМТ Тарақиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Олий Мажлис Сенати, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва фаоллигини ошириш» мавзусидаги тренинг айнан шу мақсадда бўлиб, унда «Миллий тикланиш» партияси вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар.

қцион ҳолатларни Сурхондарё вилояти мисолида таҳлил этар экан, ҳудудда 2015 йилгача кам таъминланганлар учун ажратилган 5 млрд сўм маблаг ноқонуний ўзлаштирилганини қайд этди.

Финляндия бугунги кунда коррупцион ҳолатлар деярли учрамайдиган давлатлардан биридир.

ри партия «Ёшлар қаноти» ҳамда Ёшлар парламенти аъзоларидир.

Тренингда экспертлар томонидан манфаатлар тўқнашувидаги зиддиятлар, коррупцияга ундовчи вазиятлар ва ҳолатларни аниқлашнинг йўллари ҳамда усуллари бўйича зарур тавсиялар берилди. Шунингдек, мутахассислар томонидан дунёда коррупциянинг аёблар кўпроқ фаолият кўрсатаётган ижтимоий соҳаларга таъсири катта экани, жумладан, жамиятда табақаланишнинг юзага келиши, ёшлар ҳамда болалар, ҳатто чақалоқлар ўлимнинг кўпайишига сабаб бўлиши таъкидланди.

Маълум қилинишича, Германия корпорацияларида 80 йил мобайнида коррупцияга қарши курашиш учун 5,6 млрд. АҚШ долларлари сарфланган. Бор-йўғи 20 АҚШ долларлари эвазига меъёридан ортиқ йўловчи олингани сабаб 2004 йилда Сочига учает-тимий соҳаларга таъсири катта экани, жумладан, жамиятда табақаланишнинг юзага келиши, ёшлар ҳамда болалар, ҳатто чақалоқлар ўлимнинг кўпайишига сабаб бўлиши таъкидланди.

Таъкидлаш лозим, республика болалар нашрлари билан ҳамкорликда, ташкил қилинган ушбу хайрли ташаббус таълим тизимида бу борада қилинган ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тренинг якунида иштирокчиларга Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг сертификати топширилди.

Ўзбекистон демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори Сайёра Хўжаева мамлакатимизда ижтимоий соҳада юз берган корруп-

цион ҳолатларни Сурхондарё вилояти мисолида таҳлил этар экан, ҳудудда 2015 йилгача кам таъминланганлар учун ажратилган 5 млрд сўм маблаг ноқонуний ўзлаштирилганини қайд этди.

Таъкидлаш лозим, республика болалар нашрлари билан ҳамкорликда, ташкил қилинган ушбу хайрли ташаббус таълим тизимида бу борада қилинган ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Наргиза НОМОЗБОЕВА, партия Марказий кенгаши етакчи мутахассиси

Ҳудудларда

МУҲОКАМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Миллий тикланиш» демократик партияси Бухоро вилояти Кенгаши раиси, партия вилоят депутатлик гуруҳи раҳбари Махсуд Муҳаммедов ва партия Вобкент тумани Кенгаши депутати Тўймурод Ёқубовлар томонидан тумандаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари фаоллари иштирокида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан очиқ мулоқот ўтказилди.

нормаларнинг мазмун-моҳияти йиғилганларга кенг тушунтирилди, умумхалқ муҳокамаси жараёнларининг борishi ҳақида батафсил ахборот берилди.

Учрашув мобайнида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси мuddати 1 августгача узайтирилгани таъкидланиб, конституциявий қонун лойиҳасидаги

Қайд этилишича, таълимнинг бош бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимида оид нормаларнинг Конституцияга киритилиши таълимни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Блогер минбари

Янги конституциямизга «Ўзбекистон – суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат» деган ўзгариш киритилаётганидан хабардорсиз. Ижтимоий давлатда инсон қадри улугуланади. Хукумат бу йўлда қадамлар ташлашни аллақачон бошлаб юборган. Биргина мисол, «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Қарори қабул қилинди.

Таълим кредитлари 14 фоиз ставкада ажратилади. Таълим кредитининг асосий қисми талабанин расмий ўқиш мuddати тугагандан сўнг, еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади.

Фуқаролар муурожаатлари асосига 199 та генуматлик сўровлари юборилди. Кенгашлар сессиясига эса 16 та долзарб масала киритилди.



ВЬЕТНАМДА ЎЗБЕК ПЕДАГОГИ «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ»ГА АЙЛАНСА НИМА ҚИЛИБДИ, ОСМОН УЗИЛИБ ЕРГА ТУШИБДИМИ?

Чиндан ҳам кимдир Вьетнам, Америка ёки кўхна қитъанинг дунё эътирофи этувчи бирон-бир мамлакатга аҳоли дейиши мумкин. Аммо 100 миллионга яқин аҳолиси бўлган мамлакатда аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулот ҳажми қарийб 3 минг АҚШ долларига тўғри келаётганини инобатга олсак, ушбу мамлакатда бир ўзбек йигитининг «Йил ўқитувчиси»га айлангани катта воқеа экани аён бўлади. Журналист Инобат Аҳатованинг ёзишича, фарғоналик Достонбек Сиддиқов тасодиф туфайлигина Вьетнамга бориб қолган. Асли риштонлик бўлган бу йигит 2014 йили Фарғона давлат университетини тамомлайди. Ўқитувчилик фаолиятини эса 2010 йилда, яъни 1-курсда бўшлаб юборади. 2017 йилгача турли мактаб ва академик лицейларда дарс бергач, ҳаётий муаммолар сабаб Москвага кетиб қолади. Аммо омадини қарангки, Россия пойтахтида «Step and level» ўқув марказида иш бошлаб, олти ой давомида бошқа миллат вакилларига инглиз тилидан сабоқ беради. Қаҳрамонимиз кўп ўтмай инглиз тили ўқитувчиси сифатида Хитойга отланади. Аммо кутилмаганда Хитой визаси рад этилиб, мажбурликдан Вьетнамга бориб қолади. – Танловда иккинчи иш жойимдан иштирок этдим, – дейди Достонбек. – RES (Reliable English School) Вьетнамдаги IELTS ўқитадиган жуда катта мактаб ҳисобланади. British council, IDP сингари халқаро ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради. Мен ишлаётган мактаб ташкил этилганига 18 йилча бўлган ва ҳозирда 40 дан ортқ филиаллари мамлакатнинг турли шаҳарларида фаолият юритаётган экан. Ҳар ўқув йили якуни таҳлил қилиниб, йилнинг энг яхши ўқитувчиси, йил янгилиги, йил филиали сингари мукофотлар топширилар экан. Бу сафарги танловда ҳам 500 дан ортқ хорижлик ва 700 нафар вьетнамлик ўқитувчи-муррабийлар орасидан ҳар бир йўналишда 10 нафардан голиб танлаб олинди. Йил давомида 6 нафар ўқувчим IELTSдан 8

ва ундан юқори балл, 40 нафардан кўли 6,5-7 балл олиб, айна вақтда Канада, Буюк Британияда ўқишини давом эттираётгани менинг натижаларимга ижобий таъсир этиб, мукофотга лойиқ қўрилдим, шекилли. Вьетнамда маоши жуда юқори бўлмасда, ўқитувчининг жамиятдаги обрўси жуда баланд. Ўзбекистондаги каби репетиторлик тармоғи ҳам бу ерда яхши ривожланган, шу боис, ўқитувчилар яхши маблағ топишади. Инглиз тили боғча ёшидан ўргатилади. Бир дўстим бор йўғи 18 ойлик, яъни тили энди чиққан болажонларга дарс ўтади, бу ҳазил эмас, албатта. Тўғри, мактабларда қозғозлик кўп, чунки Вьетнам коммунистик давлат, ўзига яраша бюрократия бор. Лекин биздагичалик эмас. Биров ёнингизга келиб, ҳужжат титиб, ишингизни текшириб ўтирмайди. Интернетда махсус тизим бор, ҳамма вазифа, топширик, муаммо, саволлар ўша ерда ҳал этилади. Комиссия деган тушунча ҳам бор, лекин улар келавериб безор қилишмайди. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат эса дўстона, ўзаро ҳурмат асосига қурилган. Педагоглар одатда хушқайфиятда юрадилар. Вьетнамда маҳаллий ўқитувчилар 400-500 доллар атрофида ойлик олади, хорижлик ўқитувчилар маоши эса унинг билим даражаси, тажрибасига қараб 4000 долларгача белгиланган. Маҳаллий муаллимларнинг инглиз тили кўникмаси пастроқ, шунинг учун бўлса керак аксарияти зўрга гаплашади, болаларга ҳам асосан грамматикани ўргата олишади, холос. Хорижлик ўқитувчилар эса тўлиқ инглиз тилида дарс ўтишади. Ўқувчилар истаси-истамаса дарсда инглизча гаплашишга мажбур, шу боис чет эллик педагогларга бўлган талаб юқори. Маҳаллий муаллимлар маошни давлатдан олса, хорижлик ўқитувчиларга ота-оналар ойма-ой ёки йиллик пул тўлайдилар. Тан олиш керак, бу ерда ота-оналар фарзанди таълими учун жуда катта маблағ сарфлайди. Ўқитувчининг ҳар бир ортқча иши, вазифаси учун ҳам кўшимча ҳақ тўланади.

СИРДАРЁДА ИШОНЧ ҚОЗОНИШ МАВСУМИЙ ТАДБИР ЭМАС!



2022 йилнинг ўтган олти ойида сирдарёлик партия-дошларимиз сони 860 нафарга кўпайди. Ҳўш, бу рақам камми, кўпми?

Айрим партиялар кўз-кўз қилаётган рақамлар билан солиштирилса, кам, албатта. Аммо аъзолик масаласига ҳолислик ва сифат нуқтаи назаридан қаралса, бу ёмон кўрсаткич эмаслиги маълум бўлади. Зеро, кейинги йилларда аъзоларимиз сони бошқа сиёсий кучлар, ҳатто, энг кенжа партия саналган экологларга нисбатан ҳам оз экани таъкидланса-да, олиб борилаётган тизимли ишлар, илгари сурилаётган гоё ва ташаббуслар борасида «Миллий тикланиш»нинг анчайин «абжирлик» қилаётгани катта-кичик давраларда эътироф этилаётгани бор гап. Сирдарё вилояти Кенгаши фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Бунга ўтган олти ойда жойларда жами 497 та турли мавзудаги тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда очик мулоқотлар ташкил этганимиз ҳам мисол бўлиши мумкин. Шундан 159 та тадбир мафкураравий, маънавий-маърифий йўналишда ташкил этилган бўлса, «Аёллар» ва «Ешлар» қаноти томонидан ўтказилган 338 та тадбирга 30 мингга яқин сирдарёликлар жалб этилди. Таъкидлаш жоизки, ҳисобот

даврида халқ депутатлари Сирдарё вилояти, тумани ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз томонидан қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича 48 та, фуқаролар муурожаатлари асосида эса 199 та депутатлик сўровлари юборилди. Кенгашлар сессиясига эса 16 та долзарб масала киритилди. Бу сирдарёлик депутатлар салқин хоналарда ўтириб эмас, аксинча, уйма-уй, маҳаллама-маҳалла юриб оддий сайловчининг дарди ва муаммоларини ўрганипти, шу йўсин партия гоёларини тарғиб ҳам қилапти, деганидир. Энг муҳими, улар мавжуд муаммоларга ечим топилмагунча тиниб-тинчимаяпти. Ўтган даврда депутатлар томонидан ҳам 66 мартаба турли учрашувлар ўтказилиб, қанчадан-қанча сайловчиларнинг муаммоларига ечим топилди. Айниқса, «Хизмат-беиминнат» лойиҳаси доирасида «Аёллар қаноти» томонидан «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган қанчадан-қанча хотин-қизларга бепул касб-ҳунар ўргатилди. Хусусан, вилоят бўйича ташкил этилган ўқув курслари (1, 3, 6 ойлик ҳамда

1 йиллик муддатларда)да 1 чоракда 67, II чоракда эса 106 нафар хотин-қиз тикувчилик, тўқувчилик, миллий либосларга безак ясаш, матога гул босиш, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик ва ҳатто миллий кўғирчоқлар ясаш йўналишидаги ўнлаб ўқув курсларига юборилди. Шунингдек, партиядошларимиз миллий кадрларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраш, аждоқларимиз хотирасига ҳурмат кўрсатиб, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва тарихий обидаларни келажак авлодларга ўз ҳолича етказишдек улкан мақсад сари ҳам дадил одимлайптилар. Мухтасар айтганда, айни пайтда вилоят кенгашидаги барча ҳамкасбларимиз билан 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ижросини таъминлаш мақсадида қатор учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиш баробарида ўз мақсад ва вазифаларимизни тарғиб ҳам этмоқдамиз.

Аслиддин ҚУШБАҚОВ,
Сирдарё вилояти
Кенгаши раисининг
биринчи ўринбосари

Иқтисодиёт

Хорижда комиссия тўлови борми?

Пластик карталаридаги пулларни банкоматлар орқали нақд пул қилиш хизматидан ҳар биримиз фойдаланамиз. Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон ҳудудидаги айрим банкларда нақд пул ечиш бўйича комиссия тўловлари 3 фоизгача оширилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Ҳўш, кўшни ва бошқа айрим хорижий давлатларда банкоматлар орқали нақд пул ечганлик учун неча фоиз комиссия тўлови амалга оширилади? Бу ҳақда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Қаҳҳор Жумаев сўзлаб берди: – Аниқланишича, Қозғистонда картадаги пулларни банкоматлар орқали нақд пул қилишда фуқароларга қўлайлик яратилган. Ушбу давлатдаги кўплаб банкларда картадаги электрон пулларни бир ойда маълум бир миқдоргача нақдлаштиришда комиссия тўловлари ундирилмади. Масалан, «Altyn Bank»ка тегишли бўлган «Gold» пластик картадан фуқаролар бир ойда 400 минг тенге (9 миллион 200 минг сўм) миқдоригача пулни комиссия тўловсиз нақдлаштиришлари мумкин. 400 минг тенгедан ортқча қисмидан 1 фоиз комиссия тўлови ва 500 тенге (11 минг 500 сўм) ундирилади. Шунингдек, «Альфа-банк»ка тегишли бўлган «Alfa Wow» пластик карта-

дан фуқаролар бир ойда 500 минг тенге (11 миллион 500 минг сўм) миқдоригача пулни комиссия тўловсиз нақдлаштириш имкониятига эга, 500 минг тенгедан ортқча қисмидан 0,95 фоиз комиссия тўлови ундирилади. Қирғизистонда ҳам картадаги пулларни банкоматлар орқали нақдлаштириш учун комиссия тўловининг миқдори Ўзбекистонда белгиланган фоиз ставкаларидан камлигини кўриш мумкин. Масалан, «Элкарт» деб номланувчи пластик картадан миллий валютада пул нақдлаштирилганда максимум 0,6 фоизгача комиссия тўлови ундирилади. Комиссия тўловининг миқдори нақдлаштирилган пул миқдорига боғлиқ. Бироқ 0,6 фоиздан ошмайди. Қирғизистонда аҳолининг катта қисми ушбу картадан фойдаланади. «Элкарт» пластик картаси қайси банкда очилган бўлишига қараб комиссия тўлови фарқланади. Масалан, «Оптима Банк»да очилган пулни банкоматларда нақдлаштириш комиссия тўловсиз амалга оширилади, «Keremet bank»да очилган «Элкарт» пластик картасидан пул нақдлаштирилганда 0,3 фоиз комиссия тўлови ундирилади. Россия Федерациясида агарда нақдлаштириш пластик карта очилган банкка (шу жумладан, филиалларига) тегишли банкоматларда ёки уларнинг ҳамкорларига тегишли бўлган нақдлаштириш пунктларида амалга оширил-

са, комиссия тўлови ундирилмайди. Пластик карта очилган банкдан бошқа банкларга ёки банкнинг ҳамкорларига тегишли бўлмаган нақдлаштириш пунктларида карталардан пул нақдлаштирилганда 1 фоиз комиссия тўлови олинади. Германияда ҳам банкоматларда нақд пул ечишнинг ўзига хос тизими мавжуд. Ушбу давлатда аҳолининг катта қисми ЕС-карта («Electronic Cash») дан фойдаланади. ЕС-картаси очилган банкка тегишли банкоматларда ва ушбу картани ўқийдиган бошқа махсус банкоматларда картадаги пулларни нақдлаштириш учун комиссия тўлови ундирилмайди. Қолган банкоматларда эса картадаги пул нақдлаштирилганда ҳар бир операция учун ўртача 5 евро ундирилади. Литва ва Эстонияда кўплаб фуқаролар «Swedbank»да очилган банк карталаридан фойдаланади ва улар ушбу банкка тегишли банкоматларда 1 ойда 600 еврогача пулни комиссия тўловсиз нақдлаштиришлари мумкин. Агарда лимитдан ошса, ошган сумма қисмининг 0,29 фоиз комиссия тўлови сифатида тўланади. Агарда бошқа банкоматларда пул нақдлаштирилса 2 фоиз, бироқ 3 евродан кам бўлмаган миқдорда комиссия тўлови ундирилади. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пластик карта қайси банкда очилган бўлса, ўша банкка



тегишли банкоматларда пул нақдлаштирилганда (1 ойда) маълум бир суммагача комиссия тўлови ундирилмайди ва фақатгина белгиланган лимитдан ошган қисмидан маълум бир сумма комиссия тўлови сифатида ундирилади. Шунингдек, айрим давлатларда картада пенсия ва ижтимоий тўловлар бўйича мавжуд пуллар нақдлаштирилганда комиссия тўлови ундирилмайди. Бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган Ўзбекистон ҳудудида ҳам ушбу тажрибани амалга ошириш табиқ этиш давлат иқтисодиётининг ривожланишига ва аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА, Ўза

PS. Унчалар эътибор тортмайдиган ушбу мақолада тилга олинган айрим мулоҳазалар Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари томонидан ўрганилса ёмон бўлмасди...



Атрофни шунақанги бадбўй ҳид тутиб кетадики, асло чидаб бўлмайдۇ. Устига-устак бу машиналар ҳаддан ташқари шовқин билан ишлашадики, ҳатто бешиқдаги чақалоклар ҳам чинқиб юборишади.

МУРОЖААТ ОРИДАН

ЯШНОБОДДАН ЧИҚҚАН

«НАПОЛЕОН» ЧИЛАР КИМ?

ёки нега ўн йилдан бери бир гуруҳ аҳолининг мурожаати инobatга олинмаётгани хусусида

«...10 дан ортиқ вазирликларга мурожаат қилдик. Бироқ шу кунгача бирон натижа йўқ. Бир неча йиллардан буён елиб-югурсак-да, арз-додимизни эшитадиган мард топилмапти. Ишонасизларми, биз, маҳалла аҳли айни кунларда бугун-эрта портлайдиган мина устида яшаётгандек ҳис қиляпмиз ўзимизни». Тахририятга келган хатларни саралай туриб, айни шу жумлалар билан бошланган мактуб эътиборини тортди. У билан танишиб чиққан, бутун ўй ҳаёлимиз қатор мулоҳазалар чулғаб олди.

— Биз Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани Бирлашган 6-тор кўчаси 74, 65, 66, 66-А уйларида истиқомат қиламиз. Гап шундаки, 2005 йилдан бери шундоқ қаршимизда «DONIYORBEK SERVIS» МЧЖга тегишли «PEGAS» автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси (бундан кейин — АЁҚШ) фаолият кўрсатмоқда. Ушбу шохобча фуқароларнинг соғлиги, ёнғин, санитария, экология, sanoat хавфсизлиги талабларига умуман rioя қилмапти. Бунинг натижасида одамлар оммавий равишда касалланмоқдалар, бу экология ва атроф-муҳитга ҳам салбий таъсир этаётир. Кўпчилигимизнинг кўнимиз шифохонада ўтмоқда. Ёқилги қуйиш шохобчасининг чидаб бўлмас бадбўй ҳиди туфайли ҳатто ёз мавсумида ҳам эшик-деразаларимизни тамбалаб ўтиришга мажбур бўляпмиз. Устига устак, бензин сақланадиган улкан идиш-резервуар ҳам шундоқгина ер устида жойлашган. Аслида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ, ушбу резервуар ер остига жойлаштирилиши керак экан. Хабарингиз бор, 2012 йилнинг 1 апрель куни Тошкент Халқаро аэропорти ёнидаги АЁҚШда ёнғин, санитария, экология, sanoat хавфсизлиги қоидаларига мунтазам rioя қилинмаганлиги оқибатида кучли портлаш содир бўлган эди. Очиғи, бизнинг худуддаги ёқилги қуйиш шохобчасида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Мавжуд тартиб қоидаларга маъмурият умуман rioя қилмапти. Аҳвол шундай давом этаверса, аэропорт ёнидаги портлашнинг навбатдагиси бизнинг худудда содир

батафсил танишишга ҳаракат қилдик.

— Ёшим 80 га яқинлашди, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Рустам ота Нороров. — Қатор йиллар юридик соҳада фаолият кўрсатиб оқ-қорани танидим, яхши-ёмонни кўрдим. Лекин ушбу ёқилги қуйиш шохобчасидагичалик «бетимнинг қалини жонимнинг ҳузур», дейдиган валломатларни кўрмадим. Биласизми, кунда-кунора ярим кечаси бу ерга катта машиналарда бензин олиб келиб, резервуарга қуйишади. Атрофни шунақанги бадбўй ҳид тутиб кетадики, асло чидаб бўлмайдۇ. Устига-устак бу машиналар ҳаддан ташқари шовқин билан ишлашадики, ҳатто бешиқдаги чақалоклар ҳам чинқиб юборишади. Катталарни-ку қўяверинг, тунги шовқин-сурон туфайли бир амаллаб тонг отиришади, шу тахлит уйқусираб эрта тонгдаёқ ишга, ўқишга жўнашади. Шундай алфозда иш ва ўқишда унум бўлармиди?! Кундузи шохобчадан пайдар-пай пуркалаётган сиқилган ҳаво хидига сира чидаб бўлмаяпти.

— Қарийб 15 йилдан буён шу маҳаллада яшайман, касбим врач-уролог, — дейди Фарходжон Абдиев. — Мутахассис сифатида аниқ айта оламаники, бензин маҳсулотидан ён-атрофга тарқалаётган ўта зарарли радиокаллар одамларни касал қилиб қўяётир, аиниқса, бу радикаллар уларни бепуштлиққа олиб келмоқда. Оқибатда МФЙда фарзандсизлик туфайли ёш-ёш оилалар ажрим ёқасига келиб қолишапти. Ишонсангиз, ҳозирда менда даволанаётган беморларнинг 80 фоизини шу маҳалланинг навқирон йигитлари ташкил этмоқда. Бу ҳақда шохобча раҳбарларига айтсам парво ҳам қилишмади, уларга инсоннинг соғлиги, оиласининг тинчлигидан кўра пул муҳимроқ экан. Ҳафсалам пир бўлиб кейинчалик булар ҳақида гапирмай ҳам қўйдим.

— Ҳаётимизга, соғлигимизга хавф солаётган ушбу «PEGAS» номли автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчасининг шундоқгина биқинида 4 та кўп қаватли уй жойлашган бўлиб, уларида 320 та хонадон мавжуд. Оралиқ масофамиз эса 20 метрнинг нари-берисиди, — дея суҳбатга қўшилиди Беҳзод Холиёров. — Бу ердаги бадбўй ҳидлар, бошбошдоқлик, тунги шовқин-суронлар, энг асосийси кутилмаган портлаш хавфидан кўрқиб оилам билан Чилонзор туманига ижара уйга кўчиб кетишга мажбур бўлдим. Ишонасизми, пойтахтда ўз уйим бўла туриб, ёқилги қуйиш маскани дастидан Чилонзорда ижарада яшайман. Бу ҳолат қачонгача давом этади, ҳеч биримиз билмаймиз, — суҳбатдошнинг шундай дея асабий кўл силтади.

— Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани Дилбоғ МФЙ 1-мавзе Авиасозлар кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ўз ҳаёти ва соғлиқларидан хавотирланиб «DONIYORBEK SERVIS» МЧЖга қарашли «PEGAS» номли автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси фаолиятини худудда бутунлай тўхтатиш, уни шаҳар ташқарисига қўчириш борасида қатор йиллардан буён Республикадаги юқори идоралар раҳбарларига мурожаат қилиб келишмоқда. Бироқ бу борада ҳеч қандай натижа бўлмагач ҳуқуқий ёрдам сураб бизнинг адвокатлик фирмамизга ҳам мурожаат қилишганимиз, — дейди адвокат Шерзод Қодиров. — Мавжуд аҳвол ва тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиққан аҳолининг талаби ҳақли эканига амин бўлдик. Ушбу шохобча мансабдор шах-

слари ёнғин, шаҳарсозлик, санитария, экология, sanoat хавфсизлиги қоидаларига rioя этмаган ҳолда айни кунларда ҳам фаолият юритмоқда. Биргина мисол: Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг санoat хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ одамлар кўп йиғиладиган жойлар, уй-жой, жамоат бинолари, савдо мажмуаларига ёқилги қуйиш шохобчалари умуман хавф солмаслиги лoзим бўлсада АЁҚШ маъмурияти бундан бутунлай кўз юмиб келмоқда. Аҳоли турар жойларини-ку қўя турарлиқ, портлаш хавфи ўта юқори бўлган бензин сақланувчи резервуар Авиасозлар автошоҳбекатидан 10 метр узоқликда жойлашган, холос. Аслида қонун талаби бўйича бу масофа камида 50 метрни ташкил этиш керак эди. Хуллас, ҳеч бир қонунга тўғри келмайдиган ҳолда ушбу АЁҚШ аҳоли гавжум масканларнинг ўртасида бемаъл жойлашиб, бензин савдосини қиздиргандан қиздиряпти. Низоли масалани ўрганар чоғимизда қўлга киритилган, рад этиб бўлмас далилларга тўла ҳужжатлар очиги бир ҳайратимизга ўн ҳайрат қўшди. Негаки, номи юқорида бот-бот такрорланаётган, аҳолининг рўзили эътирозлари-ю, норозилигига қатор йиллардан буён сабаб бўлиб келаяётган мазкур ёқилги қуйиш шохобчасига қарашли бензин сақланадиган резервуар лойиҳа смета ҳужжатларида ер остига кўмилган, дея белгилаб қўйилган ва ҳатто 2000 йилнинг 23 декабрида 54-сонли далолатнома билан давлат комиссияси томонидан ҳам қабул қилиб олинган! Амалда эса... амалда эса қарийб 22 йилдирки бу хавфли резервуар ер устида салобат тўкиб турибди! Тинч аҳоли эса унинг қаршисида юрак ҳовучлаб яшашга мажбур бўлмоқда.

Бу ерга онда-сонда бўлсада текшириш баҳонасида келиб-кетадиган мутасаддилар негадир бу ҳолатга, аҳолининг «куюк» арз-додига сира-сира қулоқ осгилари келмаяпти, аксинча шохобчадагиларнинг куюк саломларига куюк алик олишни маъқул қўришапти. Яна бир гап. 2012 йилнинг 11 май куни Республика Вазирлар Маҳкамасида «Автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, уллардан хавфсиз фойдаланиш талабларига мувофиқлигини хатловдан ўтказиш натижалари бўйича» селектор йиғилиши

ўтказилиб, Бош вазир томонидан республикадаги мавжуд 2596 та автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари аксариятининг фаолияти қониқарсиз, дея таъкидланган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 14 та АЁҚШнинг фаолиятини буткул тақиқлаш тўғрисида 1-иловага мувофиқ қарор ҳам қабул қилинган эди. Шунингдек, 2012 йилнинг 24 июлида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов шаҳарда фаолият юритаётган 14 та автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси фаолиятини тўхтатиш ҳақида 617-сонли қарорга имзо ҳам чекканди. Энг ажабланарлиси, фаолият бутунлай тўхтатилиши лoзим бўлган АЁҚШлар рўйхатида «DONIYORBEK SERVIS» МЧЖга тегишли 2 та — ҳозирда биз таъкидлаётган Яшнобод (собик Ҳамза) тумани Авиасозлар кўчаси 25-уйдаги ва Сергели тумани Ўзгариш мавзесидидаги ёқилги қуйиш шохобчалари ҳам бор эди. Ушбу шохобчалар шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилмай иш юритгани боис Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарориди танқидий тарзда тилга олинди, фаолиятини буткул тўхтатишга қарор қилинган эди.

Бироқ...
...Орадан 10 йил ўтапти ҳамки, фаолиятига қоғоздагина барҳам берилган бу ёқилги қуйиш масканлари тинч аҳолини жонидан тўйдириб, юқори идораларга пайдар-пай шикоят хатлари ёздиришга мажбур қилляпти. Энг ёмони, шахсан Бош вазир томонидан 2012 йилнинг 15 май куни имзоланган селектор йиғилиши қарори ҳеч қандай ижросиз бир неча катта-коннинг столи галадонларида қолиб кетди!

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 11 декабрдаги 1084-сонли қарори билан бизга 0,60 га ер майдони ажратилиб берилгани, — дейди яна бир суҳбатдошимиз «MARVEL WORKS SERVIS» МЧЖ раҳбари Шухрат Ваҳобов. — Ушбу АЁҚШ аҳолини жонидан тўйдиргани етмаганидек бизнинг фаолиятимизга ҳам тўсқинлик қилиб келмоқда. Ҳатто ушбу ёқилги қуйиш шохобчаси маъмурияти билан бир неча йиллардан буён судлашиб ҳам юрибмиз. Гап шундаки, шаҳар ҳокимлиги томонидан бизга ажратиб берилган майдонда кўп қаватли аҳоли турар-жой биноларини барпо этаяпти. Қурилиш ишлари 85 фоизга ниҳояланаяпти ҳамки ушбу шохобча бензин сақлаш резервуарини ер остига тушурмаяпти. Шундай бўлгач, фавқулодда вазиятлар ва ёнғин хавфсизлиги бошқармалари

каби тегишли ташкилотлар томонидан биз қураётган уйлarga турар-жой мақоми берилмайди. Мавжуд тартиб қоидага, яъни шаҳарсозлик нормалари ва талабларига мувофиқ резервуар ер остида бўлса, 25 метр масофадаги қурилишларга — хусусан уй-жой мақоми берилади. Агар резервуар ер устида бўлса, турар-жой билан масофа 60 метрни ташкил этмоғи лoзим. Биз ҳозирда қурилиш олиб бораётган турар-жой объекти билан резервуар орасидаги масофа эса 28,5 метрни ташкил этмоқда. Шундай бўлгач, тегишли ташкилотлар қурилиши деярли битаёзган. 130 киши маблағига тикланган бинога турар-жой мақоми бера олмапти. Биз бу хусусда «DONIYORBEK SERVIS» МЧЖ раҳбарларига айтсак, 20 млрд. сўмга ушбу ёқилги қуйиш шохобчасини сотиб олишимизни ва уни хоҳлагандек ишлатишимизни, резервуарини эса ер остига тушуриб олишимиз мумкинлигини айтишмоқда, — дейди раҳбар.

Эътибор қилган бўлсангиз биз юқорида барчани ҳақик ва ташвишга солаётган бензин резервуари лойиҳа смета ҳужжатларида ер остида жойлашганлигини, уни ҳатто давлат қабул комиссияси 2000 йилнинг 23 декабрида 54-сонли далолатнома билан қабул қилиб олганлигини тилга олдик. Ундай бўлса, нега ханузгача АЁҚШ резервуари ер устида турибди, одамларни қийнагандан қийнаяпти, бу ерда қандайдир мантӣқ борми ўзи?! Масалани ўрганиш жараёнида яна бир қатор саволлар-у, мулоҳазалар оғушида қолдик. Негаки, ушбу ёқилги қуйиш шохобчаси аҳоли яшаш масканлари, савдо мажмуалари, жамоат бинолари ва... каттагина автошоҳбекатнинг шундоқ ўртасида «ўз жамолини кўз-кўз қилиб турибди». Улардаги оралиқ масофа эса ҳукуматнинг 2012 йил 12 майдаги қарориди эътироз билдирилганидек 10-20 метрни ташкил этаяпти холос! Шундай бўлгач, яшнободликларнинг нега жон қуйдириб, юқори идоралар мутасаддилари эшигини тинимсиз тақиллатаётганликларининг маъносини янада чуқурроқ тушунгандек бўлдик...

Мақолага нуқта қўярканмиз, кимнингдир «булар Наполеон Бонапартнинг аскарларига ўхшаб, ҳаммани ҳатто ҳукуматни ҳам алдаб юришга ўрганиб қолишган», деган гапларини эсладик...

Абдуғаффор ОМОНБОВ,
журналист

”

«DONIYORBEK SERVIS» МЧЖга тегишли ЯШНОБОД ТУМАНИ АВИАСОЗЛАР Кўчаси 25-уйдаги ВА СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ЎЗГАРИШ МАВЗЕСИДАГИ ЁҚИЛГИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИ ШАҲАРСОЗЛИК НОРМА ВА ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛМАЙ ИШ ЮРИТГАНИ БОИС ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТЕГИШЛИ ҚАРОРИДА ТАНҚИДИЙ ТАРЗДА ТИЛГА ОЛИНИБ, ФАОЛИЯТИНИ БУТКУЛ ТўХТАТИШГА ҚАРОР ҚИЛИНГАН ЭДИ. БИРОҚ...

бўлмаслигига ким кафолат беради?! Ахир биз бу ерда бола-чақамиз, оила аъзоларимиз билан яшаймиз-ку! Энг асосийси, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ёқилги қуйиш масканлари аҳоли яшаш жойларидан жиллақурса 100 метр узоқликда бўлиши шарт бўлгани ҳолда амалда бу кўрсаткич 10-30 метрни ташкил этаяпти, холос. Хуллас, ушбу АЁҚШ ўз атрофидаги жамоат бинолари, савдо мажмуалари, аҳоли турар жойлари ва Авиасозлар автошоҳбекати йўловчилари ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Мана шу АЁҚШни шаҳарнинг чеккароқ қисмига қўчиришнинг, ҳеч бўлмаганда бензин сақланадиган резервуарини ер остига тушуришнинг иложи йўқми?!

Очиғи, ушбу мурожаат бизни йўлга чорлади. Мактубда қайд этилган манзилда — Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Дилбоғ МФЙ 1-мавзеда бўлиб, хат муаллифлари ва маҳалла аҳли билан суҳбатлашдик. Юзага келган мавжуд вазият билан



ХАЛҚАРО

ТАЖРИБА

Хуршид
ЖУМАНАЗАРОВ,
Тарих институти
докторанти

Самарқанд қоғози ёки
Дамашқ қилчи номини олган
буюмлар каби тарихимизни
жонлантириб берадиган
ашёлар кўп бўлган бўлса
кўпки, асло кам эмас.

АСЛ ҚУВВАТ ИЛДИЗЛАРДА

Нега биз туркларнинг ўз тарихига бўлган муносабатидан ўрганмаслигимиз керак?

Яқинда институт раҳбарияти ташаббуси билан ўндан ортиқ ёш олимлар Туркияда бўлиб, Конья, Анқара, Истанбулдаги қатор илмий марказлар, университетлар, кутубхона ҳамда музейлар фаолияти билан танишиб қайтдик. Сафар давомида Туркиянинг таниқли олимлари маърузаларини эшитдик, ўзимиз ҳам илмий изланишларимиз ҳақида чиқишлар қилдик. Таассурот ва хулосаларимиз бир талай. Бироқ...

Истанбулда Туркия тарихини ёрқин акс эттирувчи тарихий объектлардан бири Тўпқопи саройи бўлиб, бу ерда сақланаётган буюмлар давлат ва миллат тарихини ёрқин кўрсатиб берадиган асосий манба экан. Албатта, уларнинг тарихий аҳамияти кишида қизиқиш уйғотади. Бугун нафақат маҳаллий туркларнинг ўзи, балки етти иқлимдан келаётган сайёҳлар учун ҳам бу ерда ҳеч қандай тушунтиришларсиз Туркия тарихини ўрганиш, хулосалар чиқариш учун имконият яратилганини айтиш жоиз. Шу йўл билан эса Туркия тарихи ва буюк ўтмиш ғояларига доир тушунчалар минглаб қақирим узоқликларга ҳам тарқатилмоқда.

Шу ўринда Усманийлар салтанати тарихига доир турли асрларга тегишли нодир буюмларнинг бугунги кунга қадар асл ҳолича сақланиб қолганини таъкидлаш жоиз. Кичик ҳажмдаги сотатлардан тортиб, ҳарбий аслаҳаларгача, бежирим идишлару, бир қарашда кўримсиз, аммо қадимий буюмларгача...

Хўш, барчани кўзини ўйнатаётган ва турли кимшоиди савдоларида мўймай маблағ келтириши мумкин бўлган ёки кимнингдир шахсий тўплами тўлдиршига ярайдиган бундай қадимий ашёлар бугунгача қандай етиб келди? Давлат буларни қай йўл билан сақлаб қолди?

Хулосаларимиз шу бўлдики, Туркия тарихига оид барча буюмларнинг борича сақланаётганининг бош сабаби бу чинакам мустақилликдир. Давлат ичиди юз берган курашлар, кельшмовчиликлар ва таназзулларга қарамай, миллатнинг тўла-тўқис мустамлакачи қўлида қолмаганлиги, бугунги кунда ўз тарихини тўла тасаввур қилиш ва ҳаққоний миллий манфаатлардан келиб чиқиб ўрганиш имкониятини яратган.

Маълумки, халқнинг келажаги, тараққиёти ва тўқин ҳаётини ўлчовчи муҳим омил бу истиқлоддир. Давлатнинг мустақил фаолият олиб бериши, халқнинг ўз давлати тараққиёти учун меҳнат қилиши —

буюк келажак қуриш учун қаратилганлиги сир эмас. Тарихга назар солсак, ватан озодлиги учун курашган шахслар, гуруҳлар ва бу йўлда яратилган ғояларнинг барчаси келажак авлодга ҳам маънан, ҳам руҳан эркин ҳаётни таъминлашга қаратилган. Лекин халқ озодлиги ва мустақилликнинг яна бир жиҳати борки, бу ўткан кун тарихини борича, яхлит ва турли тўқима тафсилотларсиз сақлашдаги хизматидадир.

Маълумки, қадимги Турон, Туркистон ҳудудида ҳукм сурган сулолаларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий тарихи, ўтмишда яшаб ўтган аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти ва маънавий дунёқараши, илм-фаннинг тараққиёт босқичлари ҳақидаги тасаввурларимизнинг аксариятини ёзма манбаларнинг тадқиқ қилиш орқали қўлга киритганмиз. Афсуски, тарихимиздаги баъзи сулолалар даври тасаввурларимизда ҳалиям тўлиқ эмас. Чунки тарихий давр мобайнида доим ҳам ўша пайтдаги ҳаётни тўла акс эттирувчи манбалар яратилмаган, жамиятда етакчи тарихчи олимлар етишиб чиқишига эътибор қаратилмаган. Шунингдек, ўша даврга хос моддий манбалар ва ашёлар сақланиб қолмаган, борлари ҳам, афсуски, қўлимизда эмас. Тарихимизни моддий ашёлар орқали қайта тикловчи музейларимиз ҳам асосан сунги асрларга оид ашёлар ёки манбаларни ўқиш орқали қайта тикланган кўргазмалари намуналардан иборат, холос.

Нега? Чунки яқин ўтмишда ҳукм сурган босқинчилик ва мустамлака сиёсати натижасида тарихимизни ёрқин акс эттирувчи барча осори атиқа ва қимматбаҳо буюмлар ҳолига олиб кетилган ёки турли сабабларга кўра йўқ қилинган. Бунинг бош сабаби эса халқимизнинг узоқ йиллар мобайнида мустамлака зулми остида бўлгани ва мустақил сиёсат юритадиган давлатнинг йўқлигида эди.

Афсуски, мустамлака тузумининг яна бир асорати манбаларни ўрганиш ва тадқиқ қилишда ҳам кўзга ташланмоқда. Сир

эмаски, ўтган асрда аҳолини турли тақиқлар билан, қоғозга, тўғрироғи ҳужжатга кўмиш сиёсати юритилган. Бирор ташилотга кириш, ишга жойлашиш, ҳатто манбалардан, кутубхона, архивлардан фойдаланишнинг ҳам ўзига яраша тартиби ва рухсат олинмаган идоралари мавжуд бўлган. Бу каби қоғоз ишлари ва рухсат олишлар ҳамда ҳужжатдан кўчирма олишдаги қийинчиликлар қайсидир маънода бугунги кунда ҳам сақланиб қолаётганини кўриш мумкин. Манбаларнинг ягона нусхада эканлиги, қимматбаҳолиги ёки бошқаларда йўқлиги, архив ҳужжатларида мустамлака тузумининг сиёсати акс этганда уни давлат сири деб аташ ва бошқа иддаолар билан узоқ вақт миллий тадқиқотчилар учун минг бир тўсиқлар яратган бўлсаки, хорижликлар учун айрим ҳолларда тўлиқ тақиқ қўйилди. Уни электронлаштириш, асл қўлёзмани сақлаган ҳолда, электрон шаклини эркин фойдаланишга бериш каби амаллар жуда секин амалга оширилди. Бу масалада ҳам Туркиянинг бир неча кутубхоналари фойдаланувчига, билан тадқиқотчиға қулайлик яратганига гувоҳ бўлдик. Биринчидан, мамлакатдаги барча қўлёзмалар сақланадиган марказлар, кутубхоналар ўзаро алоқада иш юритади. Бир шахар бўлимида тадқиқот қилган ҳолда бошқа шахар кутубхоналаридаги қўлёзмаларни ҳам олиш ва уни тадқиқ қилиш имкони яратилган. Иккинчидан, бу манбалар барча учун очиқ, Туркиялик ёки хорижлик олимлар ҳам бемалол масофадан туриб ёхуд кутубхоналарга бориб, улардан фойдаланишлари мумкин. Турли халқ, руҳсатнома ёки бошқа сунъий тақиқлар мавжуд эмас. Борлари ҳам содда ва аниқ мақсадга қаратилган. Бу каби манбаларнинг очиқнамоиши ва илмий муомалага кириши ҳам Туркия тарихини, унинг маданияти, ижтимоий ҳаётини ўрганиш ва масалага комплекс ёндашиш имкониятини бермоқда. Мамлакат тарихига оид бир масалада бир неча қарашларнинг, мактаб-



олиш зарур эмас. Бундай имконият ўз халқи тарихини ёрқин, изчил тарғиб қилиш имконини беради, албатта.

Хулоса қиладиган бўлсак, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи ҳам асрлар оша турли тарихий даврларни бошдан кечирди ва шу оралиқда таназзул ҳолатини ҳам, ривожланиш даврини ҳам кўрди. Фақат биз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тарихимизни асосан ёзма манбалар орқали қайта тикламоқдамиз. Мавжуд моддий ва тарихий буюмлар эса ўша даврдаги ҳаққоний ҳаётни акс эттириш имконини бермайдиган катта-катта сарой музейларини яратишдек қувватга эга эмас. Бироқ тарихимизда Тўпқопида сақланаётган буюмлар каби моддий бизда бўлмаган деган хулосани қилиш нотўғри. Самарқанд қоғози ёки Дамашқ қилчи номини олган буюмлар каби тарихимизни жонлантириб берадиган ашёлар кўп бўлган бўлса кўпки, асло кам эмас. Лекин айтмоқчи бўлганимиз, халқнинг мустамлакачи кучга қарамлиги, алаҳқибат ўз тарихимизни олғирлар ўғирлашларига йўл қўйишимизга сабаб бўлди.

ларнинг борлигининг сабаби ҳам асл тарихни ўрганишда ва бунда асосий озуқа бўлган манбаларнинг очиқлигидадир. Биз ҳам қачонки, тарихимизга оид архив, қўлёзма ёки рўнома ва ойнама-ларни тезроқ электрон шаклга ўтказас ва фойдаланишга очиқ ҳолда татбиқ этсак, шундагина бу ҳудуд тарихини турли қирралардан ўрганиш учун манбавий қуролга эга бўламиз. Учунчидан хорижлик тадқиқотчилар томонидан «илмий сармоёлаш» — масалага ёндашишнинг турфа хиллиги, янгича йўсинлар ва бошқа ютуқларни жорий қилишимиз, охири қабатда тарихимизга оид айрим сохта, ёлғон жиҳатларни асл воқелик билан тўлдиршимиз ёки маълум мақсадлар йўлида яратилган қолипларни парчалашимиз мумкин бўлади.

XXI аср жамиятини ғоялар курашига тайёрлашда ва замонавий жараёнларни теран англа-

шида озуқани тарихдан олиш энг тўғри йўлдир.

Мустақиллик ўз халқига ўз тарихини бошқаларнинг рухсатисиз, турли сунъий тўсиқларсиз ва давлат тараққиёти, миллий манфаатларга йўналтирувчи миллий тарихни тарғиб қилиш имконини беради.

Яна бир жиҳати, мустақиллик тарихий асарларни, моддий ашёларни ва умуман халқнинг маънавий қиёфасини акс эттирувчи манбаларни ўзида сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодни ғоявий қуроллантириш шароитини яратади. Биргина мисол: нега айрим давлатларнинг тарихий кинолари, асарлари, видеороликлари ишончли, табиий ва халқчил яратилган. Чунки тарихини асл ҳолича кўрсата оладиган барча манбалар мужассам уларда. Ўз тарихини номаълум қисмини ёритиш учун бошқа давлатлар тарихини кўшиб ўрганиши ёки маълум сиёсий мақсадларни ҳисобга

✓ Халқаро ҳаёт

Қуёш қасд оляптими?

Айни пайтда дунё аҳолисининг маълум қисми маконсизлик, очлик ва иқтисодий таназзулдан азият чекаётган бўлса, аксарияти COVID-19 вируси, Май-вуну чечаги ва яна тури номаълум бўлган вируслар билан курашапти. Табиий офатлар ҳам миллионларнинг ёстигини қуритаётир. Шундай кунларда европаллик ҳамкасбларимиз «Қуёш ўлдирмоқда» мазмунидаги сарлавҳалар билан дунёни яна бир хавфдан огоҳ эта бошладилар. Қайд этилишича, кейинги кунларда Испания ва Португалияда мингдан ортиқ одам жазирама қурбонига айланган. Ҳавонинг юқори ҳарорати сабаб Португалияда 659, Испанияда эса 368 нафар киши вафот этган.

Буюк Британияда ҳам келаси ҳафтада ҳаво ҳарорати илк марта Цельсий бўйича 40 даражага етиши мумкинлиги айтылди. Шунинг учун мамлакатда энг юқори (қизил) хавф даражаси эълон қилинди. — Англиянинг аксарият ҳудудларини мисли кўрилмаган жазирама қамраб олади, ҳаво ҳарорати 30 даражадан ошади, баъзи жойларда ҳатто 40 даражага етди. — дея хабар бермоқда Буюк Британия метеорология хизмати.



✓ Тавсия

МАГНИТ БЎРОНИДАН КИМЛАР КЎПРОҚ ҚИМОЯЛАНИШИ КЕРАК?

Шу кунларда юртимизда аномал иссиқ ҳарорат ҳукм сурмоқда. Бунинг устига, қуёшда кучли чақнаш юз бериб, магнит бўронлари кузатилиши кутиляпти.

Хусусан, АҚШнинг Миллий Аэронавтика ва Ҳазо маълумоти (NASA) берган маълумотларга кўра, чақнаш натижасида Ер сайёрасига жуда кўп микдордаги қуёш зарралари тушиб, улар магнитосфера билан тўқнашган. G2 ёки G3 синфидаги геомагнит бўронини келтириб чиқаради.

Қуёш зарралари сайёрамизга 19 июль кунини етиб келиши ва геомагнит ҳодисаси 20 ва 21 июлда ҳам давом этиши прогноз қилинган.

Хўш, ана шундай вазиятда шифокорлар қандай йўл тутуши тавсия этади?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош неврологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ёқутхон

Мажидова бизга куйидагиларни сўзлаб берди.

— Магнит бўронидан, айниқса, артериал гипертензия хасталигига чалинган беморлар кўпроқ азият чекади, — дейди мутахассис. — Яъни, қон босимининг ошиши ёки пасайиб кетиши улар саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Бу ҳолат организмда ташқи стрессларга чидамликни таъминлайдиган мелатонин моддаси ишлаб чиқарилишининг камайиши билан изоҳланади. Қолаверса, магнит бўрони бронхал астма билан оғриган одамлар саломатлигига ҳам муаммоларни келтириб чиқариши кузатилади.

Шундай экан, бундай вазиятда, аввало, овқатланиш рақсонига алоҳида эътибор қаратиш ва кўпроқ суюқлик ичиш лозим.

Хўл мевалар, қолаверса, майиз ва туршак каби калейга бой махсулотлар, таркибиди С витамини кўп бўлган неъматлар-

дан истеъмол қилиш зарур. Бу аномал иссиқ ҳарорат учун ҳам мос тавсиядир.

Магнит бўрони кузатиладиган кунларда спиртли ичимликлардан бутунлай воз кечиш ҳамда ёғли, аччиқ, шўр таомлар истеъмол қилишдан воз тўхташ лозим. Чунки туз қон босими ошишига сабаб бўлади.

Тинчлантирувчи хусусиятга эга чойлардан ичиш ҳам мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, мутахассислар ортиқча зўриқтирувчи ишлар ва машғулотлар билан вақтинча шуғулланмасликни маслаҳат беришади.

Сурункали касалликларга чалинганлар эса ўзлари билан шифокорлар томонидан буюрилган дори-дармонларни олиб юришлари ҳамда қон босимини тез-тез назорат қилиб туришлари лозим.

Кун давомида бир неча марта душ қабул қилиш ҳам катта фойда беради.

Тадбиркор аёллар қайси соҳада кўпроқ?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида тадбиркор аёл раҳбарларнинг иқтисодий соҳалар бўйича фаолияти: — савдо соҳасида — 14 147 та; — хизматлар соҳасида — 10 057 та; — саноатда — 5 543 та. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 22,6 трлн. сўмни ташкил этган. Аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг соф даромади ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда қарийб 7 трлн. сўмга ошган. Аёл раҳбарлар бошқарувида 36 472 та кичик корхона ва микрофирмалар мавжуд.



ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим, Тилимни найга жўр этдинг. Кўзимга ойни беркитдинг, Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак, Севинчинг тошди қирғоқдан, Тилим чарчар, ажаб, гоҳи Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй сен — ўйноқи дилбар, Зафардан изла ёрингни. Тўлиб қайна, тошиб ўйна, Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт! Агар сендан Ватан рози эмас бўлса, Ёрил, чақмоққа айлан сен, Ёрил! Майли, тамоm ўлсам!

ЯНА ШЕЪРИМГА (Сонет)

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан, Бокка кирсанг, туллар шарманда. Бир мен эмас, ҳаёт шахисан, Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди — нақшисан, Килолмайман сени ҳеч қанда! Ут бўлурми ишқи йўқ танда? Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да, Гейне билан ўртоқ тутиндим. Лермонтовдан кўмак ўттиндим. Бутун умрим сенинг бўйингидан.

Саҳарда қон тупурсам, майли. Мен — Мажнунман, шеърим, Сен — Лайли!

БОГИМ

О, у қандай фусункор! Нур билан тўлган бутун. Гуллари чаман-чаман, Мен уларни ичаман: Кўнглимда яшнар баҳор... Нур билан тўлган бутун.

Баргдек узилиб кетсам, Унутмас мени боғим: Ишимни хурмат қилур, Гуллардан ҳайкал қурур. Минг йиллардан кейин ҳам Унутмас мени боғим!

Шеърларим янграб қолур — Бир умрга ўлмайман! Ҳаётимнинг давоми — Қелажагимга хомий, Ўрнимга боғбон бўлур — Бир умрга ўлмайман!

О, у қандай давомдор! Нур билан тўлган бутун. Гуллари чаман-чаман, Мен уларни ичаман: Кўнглимда яшнар баҳор... Нур билан тўлган бутун.

ДЕНГИЗ ОЙНА КАБИ

Денгиз ойна каби ялтирар, Тўлқинларга суқим оқади. Оққуш муңли-муңли оҳ урар, Ҳазин куйи дилга ёқади.

Ўтираман — кўнглим осуда, Бошим узра барглар шитрайди. Соялари лиммо-лим сувда Танга-танга бўлиб титрайди.

Қандай яхши, кечқурун ёлғиз Юрсанг, кўнгили асти тўймаса, Ой гўёки паришонхол қиз, Сочларини ёзиб ўйнаса...

ЮРГАНМИСИЗ БИРГА ОЙ БИЛАН

Юрганмисиз бирга ой билан Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда? Майсаларга шабнам қўнганда, Шундай яхши тинч бўлар экан.

Шитир-шитир ўйнар шаббода, Барглар мусиқаси бир ширин... Ҳаво гўё тиник, соф бода — Кўнгили сезар ҳаётнинг сирин.

Мен маст бўлиб қолдим бу кеча, Сил ўпкамни анча яйратдим. Ухламасдан то тонг отгунча Дилгинамни роса сайратдим.

ЙЎЛЧИ

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари, Ложувард уфқнинг тубига яқин. Кўнглимда дардларим дарёдек оқин, Чайқалар; кўзларим тикилган сарин. О, йўллар!..

Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам! Муродга қасд қилиб югурган етур. Бўронни севмаса, дил нечун телур? Тириклик не керак бемеҳнат, беғам?! Чу, қора йўрғам!

Сунак сайловнинг учинчи босқичида етакчи бўлди

Буюк Британиянинг собиқ виазир Риши Сунак мамлакат бош вазирлигига бўлиб ўтган сайловнинг учинчи турида энг кўп овозга эга бўлди, деб баёнот берди Консерватив партияга раҳбарлик қилаётган қўмита раиси Грэм Брейди.

Тўртинчи босқичга номзодлардан 115 та овоз билан Сунак, 82 та овоз билан халқаро савдо вазири

ўринбосари Пенни Мордонт, 71 та овоз билан ташқи ишлар вазири Лиз Трасс ва 58 та овоз билан хотин-қизлар ишлари ва қонун устуворлиги бўйича вазирнинг собиқ ўринбосари Кеми Баденкок ўта олган.

Умуман, бош вазирлик ва Консерватив партиясининг раислиги учун парламентнинг 11 нафар аъзоси сайловда иштирок этиш хоҳишини билдирганди. Уларнинг етти нафа-

ри дастлабки босқичда «ўйин»дан чиқиб кетди.

Кейинги босқичлар иккита номзод қолмагунича давом этади ва ҳар гал энг кам овоз олган номзод «мусобақа»дан чиқиб кетади. Шундан кейин қолган икки «финалистки» партиянинг барча аъзоси сайлайди. Овоз бериш почта орқали амалга оширилади.



ЎЗА

1400 йил олдинги ҳақиқат...



1981 йили Франсуа Меттеран президентликка сайлангач, Франция Мисрдан Фиръавннинг мумиёланган жасадини тадқиқ этишга рухсат сўрайди. Кўп ўтмай ушбу тадқиқотда тиббиёт ва археология соҳасида илмий изланишлар олиб борувчи кўплаб таниқли олимлар иштирок этишади. Тадқиқотга ва жарроҳларга раҳбарлик қилиш эса Морис Букайга ишониб топширилади. Қайд этиш жоизки, унинг асосий вазифаси Фиръавн қандай ҳалок бўлганини аниқлашдан иборат эди. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Рамзес II нинг жасади бошқа мумиёланган жасадлардан фарқ қилиб турарди. Шу пайтда тадқиқотчилар кутилмаган бир ҳолатга дуч келдилар: улар мумиёлар қатламини ечиб олишарканда жасаднинг чап кўли юқорига кўтарилиб кетади, худдики уни мумиёлаётган пайтларда куч билан бу ҳолатга келтирилганга ўхшаб. Узоқ олиб борилган тадқиқот натижаларидан шу нарса

маълум бўладики, Фиръавн чўкиб ўлган, буни унинг рентген суратларида акс этганидек, танадаги туз қолдиқлари ва кўплаб суяк синиқлари исботлаб турибди, бироқ терида бирор бир жароҳат белгиси курунмасди. Бу эса сув оғирлиги натижасида суяклар синганидан далолат қиларди. Бу барча далиллар Фиръавн сувга чўкиб ўлган заҳоти денгиздан олиб чиқилганини билдирар эди. Профессор Морис тадқиқотдан кейин бутун дунё газеталарининг қандай сарлавҳалар билан чиқишини уйлаб турган бир пайтда, улардан бири «Шошилманг, жаноб Морис, мусулмонлар XIV аср олдин Фиръавннинг чўкиб ўлганини билишган экан», деб қолди. Профессор аввалига бу маълумотга бепарволик билан қарайди, чунки у сўнги замонавий тиббий аппаратлар ва тадқиқот техникасиз бундай сирни фош этишнинг имкони йўқлигига қаттиқ ишонар эди.

Шунга қарамай, юқоридаги хабар Морис Букайнинг хаёлидан чиқмай қолади. У туни билан Фиръавн жасади қаршида ўтириб, бирор мусулмон давлатига бориш ва у ердаги олимлар билан айна мавзуда суҳбатлашиш, уларнинг бу борада фикрларини урганиш керак, деган хулосага келади. У худди шундай қилади ҳам: бир олим унга Куръонни очиб, Аллоҳнинг куйидаги оятларини ўқиб беради: «Бугун сенинг баданингни қўтқарамиз. Токи, ўзингдан кейингиларга ибрат бўлгин. Албатта, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар» (Юнус, 92). Бу сўзлар профессор Морис Букайни ниҳоятда таажжубга солди ва ўрнидан туриб, бироз гандирақлади-ю. «Мен Исломга кирдим ва Куръонга иймон келтирдим», дея ҳақиқиради...

Расулжон ШАРИПОВнинг ижтимоий саҳифасидан олинди.

Бироз латифа


Бир одам кредит олмоқчи бўлиб, узоқ ҳаракат қилибди, ҳали у банкдан бунисига югурибди. Банк ҳали у ҳужжат, ҳали бу маълумотни сўрайвериб уни роса чарчатди. Бунинг устига оладиган кредитининг фоизи ҳам отнинг калласидек экан. Хуллас, барча ҳужжатларни олиб келгач, банк ходими ўйланиб туриб, «Энди охириги шартим бор, шуниям бажарсангиз, сизга кредит бераман», дебди. «Айтинг шартингизни», дебди ноилож қолган мижоз. «Менинг битта кўзим протез, лекин у шундай

протезки, фалон мамлакатда кўйдирганман, ҳатто туққан онам ҳам уни ҳақиқий кўзимдан ажрата олмайди. Агар ўша протезли кўзимни топсангиз, кредит қўлингизда-да», дебди. Мижоз эса унинг кўзларига диққат билан қараб туриб, «Чап кўзингиз», дебди. «Э, қойил!», дебди банкир ҳайратини яширмасдан. «Ҳеч ким топа олмаган эди, айтинг қандай топдингиз?»

«Шу кўзингизда жичча меҳр бор экан-да», деб жавоб берибди мижоз.

Абдулла АҚБАРОВ

Изоҳга ҳолат йўқ



Эълон

Маҳаматнодиров Бобур Восит ўғли номига Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 165-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йил 16 июнда берилган U № 0296379 рақамли ШАҲОДАТНОМА ҳамда 2018 йил 22 июнда Яккасарой туман Касб-хунар коллежидан берилган K № 5313139 рақамли ДИПЛОМ йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIIY GAZETASI

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АҚКУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баходир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхождин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТҶИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУХАММАДЖАНОВА, Хуришад ДЎСТМУХАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир: Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар: Махбуба КАРИМОВА, Дониёр ТҶОШБОВЕВ, Наһр учун масъул: Маъмуржон ЮЛДОШЕВ Навбатчи: Вилюатхон ШОДИЕВА Дизайн гуруҳи: Асилбек ҚУДРАТОВ, Лазиз МЕЙЛИКОВ, Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан руйхатдан ўтган. Газета хафтанинг чоршанба куни чикади.

Адаби – 10 057. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ Буюртма – 716 Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 1:30

Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru ISSN 2010-7714